



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

18 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 18, НОМЕР 3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 18, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2025

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№3 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-3>

Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:  
Заместитель главного редактора:  
Deputy Chief Editor:

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yosuke Shamoto**

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

**Umarxonova Dildora Sharipxonovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

**Borut Strazisar**

Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxonovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farxod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govverjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

<b>1. Xabibullayeva Dilfuza Kuanishbay qizi</b> DAVLAT XIZMATLARI TUSHUNCHASI VA UNING HUQUQIY MAQOMI.....	5
<b>2. Халилова Нигорахон Акмалжон кизи</b> РОЛЬ СВОБОДЫ СЛОВА В МЕХАНИЗМЕ КОНТРОЛЯ НАД ГОСУДАРСТВЕННЫМИ ОРГАНАМИ.....	12
<b>3. Baratov Mirodiljon Khomudzhonovich, Khakimov Ravshan Tulkunovich, Akramxodjaev Bori Toxtaxodjaevich</b> ACCESSION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN TO THE WORLD TRADE ORGANIZATION AND CURRENT ISSUES OF CYBER PROTECTION OF THE AUTOMOTIVE INDUSTRY OF UZBEKISTAN.....	19
<b>4. Фахриддинов Аловуддин Фахриддинович</b> КИССАВУРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШГА ОИД АЙРИМ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	26
<b>5. Рузиназаров Шухрат Нуралиевич</b> ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ: МИРОВЫЕ ОРИЕНТИРЫ И ОПЫТ СТРАН ЦАРЭС И ОТГ.....	34
<b>6. Давлятов Валишер Хакимжанович</b> АДВОКАТЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИ: АҲАМИЯТИ, ЗАРУРАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	58
<b>7. Рустамов Нодирбек Илхомович</b> ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСҚИЧИДА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	65
<b>8. Ametova Nurjamal Qudaybergenovna</b> HARBIY YOКИ MAXSUS UNVONDAN MAHRUM ETISH TARZIDAGI QO‘SHIMCHA JAZO TURINI TA‘YINLASHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	74
<b>9. Садуллаев Жахонгир Джамshedович</b> АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРГАНЛИК, СОТГАНЛИК ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	80
<b>10. Матжанов Илхам Адилбаевич</b> ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВДА ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ОАВ ДА ТАРҚАЛГАН ХАБАР ВА МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЕКШИРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ АҲАМИЯТИ.....	88
<b>11. Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич</b> ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КОРРУЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	95
<b>12. O‘rinova Dilshoda Adxamovna</b> AYOLLAR JINOYATCHILIGINING SABABLARI, UNI VUJUDGA KELITIRUVCHI SHART- SHAROITLAR.....	108



**12.00.09-УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА**


**Матжанов Илхам Адилбаевич,**

Қорақалпоқ давлат университети Жиноят ҳуқуқи,  
процесси ва криминалистика кафедраси доценти

E-mail: matjanov@mail.ru

**ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВДА ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ОАВ ДА ТАРҚАЛГАН  
ХАБАР ВА МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЕКШИРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ АҲАМИЯТИ**

**For citation:** Matjanov Ilkham Adilbaevich. THE PROCEDURAL SIGNIFICANCE OF VERIFYING REPORTS AND INFORMATION DISSEMINATED IN THE MEDIA ABOUT CRIMES IN PRE-INVESTIGATION INVESTIGATIONS. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., Issue 3, pp. 88-94

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15158690>

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада терговга қадар текширувда жиноят ҳақида ОАВ да тарқалган хабар ва маълумотларни текширишнинг процессуал тартиби ва асослари таҳлил қилинган. Процессуал қонунчиликда жиноят ҳақида ОАВ да тарқалган хабарларни қанча вақт ичида қабул қилиш ёки рўйхатга олишга доир аниқ муддати белгиланмаганлиги қайд этилиб, мазкур масала юзасидан фикр-мулоҳозалар билдирилган. Жиноят ҳақида ОАВ да тарқалган хабар ва маълумотларни текширишнинг муҳим шarti – ушбу хабарларни ўз вақтида расмийлаштириш эканлиги таъкидланган.

**Калит сўзлар:** жиноят ишларини юритиш, ОАВ, жиноят иши, терговга қадар текширув, хабар, маълумот, мониторинг, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, ички ишлар органлари, процессуал муддат, экспертиза, тинтув, процессуал топшириқ.

**Матжанов Илхам Адилбаевич,**

Доцент кафедраси Уголовного права, процесса и криминалистики  
Каракалпакского государственного университета

E-mail: matjanov@mail.ru

**ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ ПРОВЕРКИ СООБЩЕНИЙ И ИНФОРМАЦИИ О  
ПРЕСТУПЛЕНИЯХ, РАСПРОСТРАНЕННЫХ В СМИ В ХОДЕ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ  
ПРОВЕРКИ**

**АННОТАЦИЯ**

В статье проанализированы процессуальный порядок и основания проверки сообщений и сведений о преступлении, распространенных в СМИ при следственной проверке. Отмечается, что в процессуальном законодательстве не установлен точный срок приема или регистрации сообщений о преступлении, распространенных в СМИ, и высказываются соображения по данному вопросу. Подчеркивается, что важным условием проверки

сообщений и сведений о преступлении, распространенных в СМИ, является своевременное оформление этих сообщений.

**Ключевые слова:** уголовное производство, СМИ, уголовное дело, доследственная проверка, сообщение, информация, мониторинг, дознаватель, следователь, прокурор, суд, органы внутренних дел, процессуальный срок, экспертиза, обыск, процессуальное поручение.

**Matjanov Ikham Adilbaevich,**

Associate Professor of the Department of Criminal Law, Procedure and Forensics of Karakalpak State University

E-mail: matjanov@mail.ru

## THE PROCEDURAL SIGNIFICANCE OF VERIFYING REPORTS AND INFORMATION DISSEMINATED IN THE MEDIA ABOUT CRIMES IN PRE-INVESTIGATION INVESTIGATIONS

### ANNOTATION

The article analyzes the procedural procedure and grounds for checking messages and information about a crime disseminated in the media during a pre-investigation check. It is noted that the procedural legislation does not establish an exact deadline for receiving or registering reports of a crime disseminated in the media, and considerations are expressed on this issue. It is emphasized that an important condition for checking messages and information about a crime disseminated in the media is the timely execution of these messages.

**Keywords:** criminal proceedings, media, criminal case, pre-investigation check, message, information, monitoring, investigator, prosecutor, court, internal affairs bodies, procedural period, examination, search, procedural order.

Жиноят ишларини юрителида ошкоралик – фундаментал ва муҳим процессуал институтдир. Жиноят процессида ошкораликни амалга оширишнинг асосий воситаси эса – ОАВ ҳисобланади. Аксарият жиноят-процессуал институтлар тергов ва суд ишларининг "ички процессуал" масалаларини ҳал қилишга ёрдам берса, ошкоралик кўп ҳолларда унинг "ташки процессуал" масалаларини ҳал этади.

Ошкоралик жамиятга хизмат қилади.

Аммо, ОАВ фаолиятининг ошқоролик фаолиятдан фарқи шуки, ОАВ баъзан процессининг ички – далиллар тақдим қилиш, ижтимоий хавфли ҳодиса ҳақида хабар бериш, жиноят ишини кўзғатишга сабаб бўлиш каби процессуал вазифаларни ҳам бажаради. ОАВ нинг жиноят процессидаги иштироки нафақат ошқораликни таъминлаш, балки далиллар тақдим қилиш, маълумотлар келтириш вазифаларини ҳам бажаради. Аниқроғи: ОАВ дастлабки терговда ва суриштирувда хабар ҳамда маълумотлар тақдим қилиш, судда эса ошқораликга таъминлаш вазифасини амалга оширади. Демак, жиноят процессида ОАВ институти ошқоралик институтига нисбатан кенгроқ процессуал вазифаларни бажаради.

Ҳозирги даврда ОАВ нинг жиноят процессидаги иштироки борган сари ривожланмоқда. Асосан, медиамакон интернет журналистикасида жиноят ва ижтимоий хавфли ҳодисалар ҳақидаги хабар ва маълумотлар тенденцияси шиддатли даражада ошиб бормоқда. Kun.uz, gazeta.uz, daryo.uz, qalampir.uz ва бошқа интернет журналистикаси сайтларида жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия соҳасига оид масалалар чоп этилмоқда.

Мазкур хабарлар жиноят процессида ишни кўзғатиш учун асос сифатида хизмат қилади. Таъкидлаш лозимки, алоҳида вазиятларда хабарлар охиригача текширилмасдан, эфирга жойлаштирилиши мумкин. Ёки жиноят ҳақида хабар берилиб, жабрланувчилардан ҳечқандай ариза келиб тушмаслиги ёхуд хабар бошқа жиноятларга ҳаволани акс эттирилиши мумкин. Шу сабабли ҳам жиноят ҳақида ОАВ да жойлаштирилган ҳарқандай хабар процессуал жихатдан текширилиши лозим.

Жиноят ҳақида ОАВ да тарқалган хабар ва маълумотларни текширишдан мақсад – жиноятларнинг қайд этилмасдан қолиб кетмаслигини, уни содир этган шахснинг жавобгарлигини, жиноят ҳақида хабарни қабул қилиш ва рўйхатга олишнинг процессуал муддатлари сақланиши, жиноятнинг содир этилиш сабаб ва шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф қилишга доир процессуал ҳаракатлар бажарилишини таъминлашдан иборат. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноят ҳақида хабар ва маълумотларнинг қайд этилиши ва улар асосида процессуал текширувнинг бошланиши жиноятга оид процессуал муносабатларнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади[1, 61].

Жиноят ҳақидаги хабарларни текширишда асосий процессуал ҳаракатлар – хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш ҳисобланади. Албатта, бу ерда бир назардан, Л.В.Брусницынанинг «жиноят ишини кўзгатишнинг бошланғич даври жиноят ҳақида хабарларни қайд этиш ҳисобланади» каби мулоҳозалари билан келишув мумкиндек кўринади. Лекин, айрим муаллифлар жиноят ишини қайд этилмасдан олдин у тегишли тартибда қабул қилиниши лозимлигини билдиради. Ва, процессуал қонунлар жиноят иши қанча муддат ичида қабул қилиниши ва рўйхатга олиниши аниқ кўрсатиб бермаганлигини келтириб ўтади[2, 32].

Процессуал қонунчиликда жиноят ҳақида ОАВ да тарқалган хабарларни қанча вақт ичида қабул қилиш ёки рўйхатга олишга доир аниқ муддати белгиланмаган. Зеро, ҳар бир масала бўйича муддатларни белгилайвериш процессуал қонунни ниҳоятда бюрократик тартибга олиб келиши мумкин. Умумий тарзда, зарур процессуаллар ҳаракатлар учун терговга қадар текширувнинг 10 суткалик муддати, узайтириш имконияти орқали, белгиланган.

Жиноят ҳақида ОАВ да тарқалган хабар ва маълумотларни текшириш даврида терговга қадар текширув жараёнига муҳим ҳисобланган процессуал ҳаракатларни бажариш вазифаси юкланиши мумкин. Бундай вазифалар ОАВ дан маълумотлар талаб қилиб олиш, жиноят изларини аниқлаш ва вазият бўйича янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишдан иборат. Терговга қадар текширувнинг ушбу ҳислатлари Л.Р.Комараванинг фикрича, «унинг тергов билан чамбарчас боғлиқлиги ва ухшашлигини» [3, 286] билдиради.

Терговга қадар текширув иштирокчилари таркиби текширувга жалб қилинган шахслар ва улар ҳуқуқларини тушинтиришга жавобгар бўлган мансабдор шахслардан иборат. Ва, жиноят содир этилишига алоқадар бўлган шахснинг аниқланса, унга нисбатан жиноий таъқиб амалга оширилиши мумкин. Лекин, мазкур шахснинг процессуал ҳолати терговга қадар текширув босқичида аниқ кўрсатилмаган. Шу боис ҳам уни «жиноий таъқиб амалга ошириладиган шахс» мақомида белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Нафақат жиноятдан жабр кўрган, балки ўзига нисбатан жиноий таъқиб амалга ошириладиган шахс ҳуқуқларини ҳам муҳофаза қилиш зарур.

Бундай мулоҳаза қилишимизга асосий сабаб – жиноят процесси доирасига жалб қилинган ҳарқандай шахс, қандай босқичдалигидан қатъий назар ҳуқуқ, мажбурият ва қонуний манфаатларга эга бўлишидир. Мазкур ҳолат айниқса жиноят ҳақида хабарларни текшириш жараёнида ниҳоятда муҳимдир, чунки «терговга қадар текширув натижасида жиноят ишини кўзгатиш ҳақида қарор қабул қилинса, расмий тарзда тўлақонли тергов бошланади ҳамда шахсга нисбатан унинг процессуал мақомидан келиб чиқиб, процессуал чекловлар қўлланилиши мумкин» [3, 286].

ОАВ хабар ва маълумотларини текшириш жараёни нафақат дастлабки маълумотлар олинишига, балки «текширилган ва иш материалларига қўшиб қўйиладиган муҳим далиллар тўплашга имконият яратади» [4, 23].

Терговга қадар текширув пайтида ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш, жамоатчиликни жалб этиш, фуқаролардан тушунтиришлар олиш ва бошқа ҳаракатлар ўтказишлари мумкин. Шунингдек, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья содир бўлган ёки тайёрланаётган жиноятларга оид хабарларни қабул қилиши ва уларни келиб тушган ҳамоно ички ишлар идорасининг навбатчилик қисмидаги ҳодисаларни ҳисобга олиш китобида қайд этишлари керак.

Ҳодиса қайд этиб бўлинганидан сўнг, бу ҳақда ички ишлар органи раҳбарига хабар қилинади. Келиб тушган хабар ва аризаларнинг жиноят иши қўзғатиш учун қонунийлиги ва асослилиги тегишли муддатда ҳал қилиниши лозим [5, 136].

Жиноят ҳақида ОАВ да тарқалган хабар ва маълумотларда жиноят ишини қўзғатиш учун етарлича асос мавжуд бўлмаган тақдирда, терговга қадар текширув жараёнида ушбу хабарларни талаб қилиб олиш билан бирга, жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини қўзғатишдан бош тортишга асос яратувчи маълумотлар ҳам аниқланиши зарур.

Жиноят ҳақида ОАВ да тарқалган хабар ва маълумотларни суриштирувчи ёки терговчи текшириши мумкин, шу жумладан прокурор ҳам. Лекин, бу ерда текшириш ким томонидан эмас, балки кимнинг топшириғига биноан амалга ошириладиганлигига эътибор қаратишимиз лозим [6, 73].

Суриштирувчи ёки терговчи мустақил равишда терговга қадар текширувни бошлашга ваколатлидир. ОАВ да жиноят ҳақида хабар ёки маълумот тарқалса, суриштирувчи ёки терговчи ўз процессуал мажбурияти доирасида ушбу хабарни аниқласа, терговга қадар текширувни бошлайди. Кейин, аниқланган хабар асосида айрим тергов ва процессал ҳаракатларни бажариб, бу ҳақда прокурорга тезлик билан билдиришнома (рапорт) келтириши мажбурий. Мазкур билдиришномага прокурор устхат қўйиб, уни девонхонага жўнатади. Девонхона эса махсус қайдлар дафтарчасига (амалиётда КП-1 деб номланади) ушбу ҳақда ёзув киритади. Ва, мазкур идоравий ҳаракатлар бажарилгандан сўнг, суриштирувчи ёки терговчи терговга қадар текширувни давом эттириши мумкин.

Бу ерда асосий эътибор қаратидиган масала – ОАВ да тарқалган хабар ёки маълумотлар асосида суриштирувчи ёки терговчи мустақил равишда терговга қадар текширувни ўтказадиганини тегишли тартибда расмийлаштириши, аниқроғи прокурорга расмий маълум этиб туришидир. Агар, суриштирувчи ёки терговчи ОАВ хабар ва маълумотлари асосида текширув, тергов ҳамда процессуал ҳаракатларни амалга оширганлигини вақти ёки имкони йўқлиги сабабли прокурорга ҳали хабар қилмаган бўлса ва бу жараён режадаги идоравий ички хизмат текшируви вақтига тўғри келиб қолса, суриштирувчи ёки терговчи ҳаракатига «тегишли тартибда процессуал расмийлаштирилмаган мурожаат билан ишламоқда» дея баҳо берилиши эҳтимол.

Лекин, айрим пайтларда кечиктирилиши мумкин бўлмаган тергов ҳаракатларини ҳам суриштирувчи ёки терговчи мустақил равишда амалга ошириши мумкин. Масалан, текширув жараёнида шахсий тинтувни зудлик билан амалга ошириш зарур бўлса, суриштирувчи ёки терговчи тинтувни ўтказиши мумкин. Фақат ягона шарти – шахсий тинтув ўтказилганлиги ҳақида тезлик билан прокурорга билдиришнома келтириш.

Жиноят ҳақида ОАВ да тарқалган хабар ва маълумотлар айрим пайтлари ваколатли органга тақдим қилинади ёки ваколатли органнинг ОАВ ларда тарқалаётган хабарларни мониторинг қилишга масъул бўлган бўлимлари орқали олинади. Мазкур хабар ёки маълумот канцелярия ёки ваколатли органнинг раҳбарига тақдим этилади ва раҳбар, ўз навбатида, терговга қадар текширувни ўтказишни суриштирувчи ёки терговчига топширади.

Жиноят ҳақида хабар келиб тушгандан сўнг, ваколатли органда тезкор-тергов гуруҳи ташкил этилади. Унинг таркибига суриштирувчи ёки терговчи, тезкор ходим, эксперт-криминалист ва ички ишлар органи навбатчи ходими киради.

ОАВ хабар ва маълумотларини мониторинг қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 27 июнь ПҚ-4366-сон Қарори асосида вазифа сифатида юкланган. Мазкур Қарорнинг 3-бандида давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари, матбуот марказлари, жамоатчилик билан алоқалар бўйича хизматларининг асосий вазифаларидан бири сифатида – ахборот макони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, танқидий ва кенг муҳокама қилинадиган ахборот хужжатларига тезкор муносабатлар билдириш, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида тегишли давлат

органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор ахборотни тарқатиш бўйича ишларни ташкил қилиш белгиланган.

Терговга қадар текширувни ўтказишга прокурор процессуал раҳбарлик қилади. Прокурор раҳбарлиги нафақат процессуал вазифаларни тақсимлаш ва ҳаракатларга босчилик қилиш, балки назорат қилишдан ҳам иборат. Ушбу муносабат билан, И.С.Вершин ва А.В.Оськинлар мазкур босқичдаги прокурор назоратига оид қўйидаги ваколатларини санаб ўтади:

- суриштирувчи ёки терговчига жиноят ҳақида ОАВ да тарқалган хабар ва маълумотлар ҳақида текширувни амалга оширишга топшириқ бериш;
- текширув материалларини текшириш ҳамда суриштирувчи ёки терговчининг ноқонуний ва асоссиз қарорларини бекор қилиш;
- жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини қўзғатишдан бош тортиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш ва материалларни қўшимча текшириш учун жўнатиш;
- жиноят ҳақида хабарлар бўйича текширув ўтказиш муддатини узайтириш [7, 49].

Жиноят ҳақида ОАВ да тарқалган хабар ва маълумотларни текширишнинг муҳим шarti – ушбу хабарларни расмийлаштириш тартибидир. Бу борада И.С.Дикарева кўрсатганидек, ОАВ да тарқалган хабар ва маълумотлар маълум бир ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган маълумотлар бўлганлиги сабабли улар асосида жиноят белгилари аниқланса, ушбу ҳақида прокурорга бериладиган билдиришномада қайд этишнинг махсус тартиби жорий этилган [8, 54].

ОАВ хабар ва маълумотлари суриштирувчи ва терговчининг прокурорга билдиришномасида қайд этилганидан сўнг жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади. Унгача улар «асос» эмас, балки «xabар ёки маълумот» мақомига эга бўлади. Агар, прокурорнинг жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги кўрсатмасида ОАВ хабар ва маълумотлари акс эттирилган бўлса, бундай ҳолатларда терговчи ёки суриштирувчи томонидан ушбу хабарларни қўшимча тарзда текширишга ҳожат йўқ.

Хабар ва маълумотларни текширишга прокурор процессуал раҳбарликни амалга оширади. ЖПК 382-моддасига асосан, жиноят содир этилгани тўғрисидаги ариза ва хабарларни кўриш ҳамда ҳал қилиш, текширишни амалга оширишнинг процессуал қонунда белгиланган тартиби, чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунларнинг ижро этилиши устидан олиб борадиган назоратининг соҳасидир. Ва хабар ва маълумотларни текшириш жараёнида прокурор қўйидаги ваколатларга эга:

- суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ҳамда терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлардан ишларни текшириш учун, содир этилган жиноятларга оид тезкор-қидирув, суриштирув, дастлабки тергов ишларининг боришига доир ҳужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;
- содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта текширади;
- суриштирувчилар ва терговчиларнинг шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади;
- терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш ҳақидаги қарорлар, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси юритувидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чораларни кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради;
- тинтув ўтказишга, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг ҳамда терговчининг бошқа ҳаракатларига руҳсат беради.

Прокурорнинг процессуал қонунчиликда назарда тутилган тартибга мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов органларига ҳамда терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга терговга қадар текшириш ўтказиш, ишларни кўзгатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурийдир.

Жиноят ҳақида ОАВ да тарқалган хабар ва маълумотларни текширишда ушбу текширувларни ташкиллаштириш ва раҳбарлик қилишда прокурор назорати роли ниҳоятда муҳимдир[10]. Хабар ва маълумотлар ОАВ томонидан прокуратура органларига жўнатилиши ёки тақдим қилиниши, фуқароларнинг аризалари орқали ёки прокурорлик назоратини амалга ошириш жараёнида қайд этиши орқали аниқланиши мумкин.

Амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи терговга қадар ўтказилган текширув материалларини жиноят ишини кўзгатишни рад қилиш ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборади. Бу борада С.Саҳаддинов асосли қайд этганидек, амнистия юридик атамаси замирида инсонпарварлик, кечиримлилик тушунчалари ётади [9, 146].

ЖПК 329-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган 10 суткалик муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

Алоҳида ҳолларда, терговга қадар текширув муддати қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг асослантилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

2) олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.

4) етказилган моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш ва (ёки) жиноят оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган муддат ўтмаган бўлса.

Демак, ОАВ хабар ва маълумотлари асосида терговга қадар текширув даврида қуйидаги процессуал ҳаракатларни амалга ошириш мумкин: а) ОАВ дан қўшимча ҳужжатлар талаб қилиб олиш; б) хабар юзасидан изоҳлар олиш; в) шахсни жиноий фаолиятни давом эттиришига барҳам бериш, қочиб кетиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида ушлаб туриш; г) кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда воқеа жойини кўздан кечириш ёки шахсий тинтув ўтказиш; д) экспертиза тайинлаш; е) ОАВ да номи тилга олинган ташкилотда тафтиш ўтказиш.

Шундай қилиб, жиноят ҳақида ОАВ да тарқалган хабар ва маълумотларни текширишда ушбу текширувларни ташкиллаштириш ва раҳбарлик қилишда прокурор назорати роли ниҳоятда муҳимдир. Хабар ва маълумотлар ОАВ томонидан прокуратура органларига жўнатилиши ёки тақдим қилиниши, фуқароларнинг аризалари орқали ёки прокурорлик назоратини амалга ошириш жараёнида қайд этиши орқали аниқланиши мумкин.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Бичеев Д.В. Процессуальные полномочия прокурора за исполнением закона при приеме, регистрации и проверке сообщений о преступлениях // Бизнес в законе. - 2014. - №3. (Bicheev

- D.V. Procedural Powers of the Prosecutor for the Implementation of the Law in the Acceptance, Registration, and Verification of Reports on Crimes // *Business in the Law*. - 2014. - №3.)
2. Сумин А.А. Актуальные проблемы обеспечения законности в досудебных стадиях уголовного судопроизводства: учебное пособие. – М.: Московский университет МВД России, 2013.( Sumin A.A. Current Problems of Ensuring Legality in Pre-trial Stages of Criminal Proceedings: A Study Guide. - M.: Moscow University of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2013.)
3. Комарова Л.Р. Проверка сообщения о преступлении – первоначальная стадия уголовного судопроизводства // *Актуальные проблемы экономики и права*. 2014. №1. (Komarova L.R. Verification of a report about a crime - the initial stage of criminal proceedings // *Current problems of economics and law*. 2014. №1.)
4. Алексеев Н.С., Даев В.Г., Кокорев Л.Д. Очерк развития науки советского уголовного процесса. – Воронеж, 1980. ( Alekseev N.S., Dayev V.G., Kokorev L.D. Essay on the Development of Soviet Criminal Procedure Science. Voronezh, 1980.)
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдумажидов. – Т.: ТДЮИ, 2009. (Commentary on the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan. Editor-in-Chief: Prof. G. Abdumajidov. - T.: TDYUI, 2009.)
6. Рогова А.А. Использование материалов СМИ в доказывании по уголовным делам на досудебных стадиях уголовного процесса: дисс...канд...юрид...наук. – Нижний Новгород, 2016. (Rogova A.A. Use of media materials in proving criminal cases at pre-trial stages of criminal proceedings: diss...cand...jurid...sci. - Tashkent, 2017.)
7. Вершинина С.И., Оськин А.В. Контрольные полномочия руководителя следственного органа при проведении следователем доследственной проверки // *Законность*. 2014. №9. (Vershinina S.I., Oskin A.V. Control Powers of the Head of the Investigative Body During the Conduct of a Pre-Investigative Inquiry by the Investigator // *Legality*. 2014. №9.)
8. Дикарева А.С. Четвертый повод для возбуждения уголовного дела // *Законность*. 2012. №3. (Dikareva A.S. Fourth reason for initiating criminal proceedings // *Legality*. 2012. №3.)
9. Сахаддинов С. Амнистия: тушунчаси, хусусиятлари ва авф этишдан фаркли жиҳатлари. // ТДЮИ Ахборотномаси, 2012. 3-сон.( Sakhaddinov S. Amnesty: Concept, Characteristics, and Differences from Pardon. // *TDYUI Bulletin*, 2012. Issue 3.)
10. Saparovna, N. S., Allanova, A., Khamidov, N., Sunnatov, V., Toshev, O., & Gazibekov, K. (2025). Criminal Law Description of Domestic Violence. *Journal of Ecohumanism*, 4(2), 2004-2016.

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 3

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000